



# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ● № 230 (9876).

● 1990 йил 1 декабрь ● Баҳоси 5 тийин.

## ● Хушхабарлар

### ЯПОНИЯДАН ҚАЙТИВ КЕЛИШДИ

Ўзбекистон ССЖ Фаллар академиясининг Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳининг Японияга сафарга жўнаб кетган бир гуруҳ олимлари қайтиб келишди. Санъатшуослар Токио дорилфунунда ўзбек маданияти тарихидан лекциялар ўқишди, ўзларининг япониялик ҳамкасблари билан учрашди, археология қазилмаларда иштирок этишди. Санъатшуослик илмий-тадқиқот илмгоҳи билан Токио дорилфунун ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тўғрисида совет санъатшуослари ана шундай сафарга чиқишлари мумкин бўлди.

### ШАРҚ ТАОМЛАРИ

#### ИХЛОСМАНДЛАРИ УЧУН

● ЖУМҲУРИЯТ пойтахтининг Чилонзор районидан Шарқ таомларининг ихлосмандлари учун «Сам-анг» ресторани очилди. Бу ерда корейс миллий таомлардан тотиб кўриш, банкети ёки юбилей тантаналарини нишонлаш мумкин. Янги корхона аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтиришни, шунчаки намунали оқатланиш жойини ташкил қилишни эмас, балки совет корейлари маданий марказининг бўлишни вужудга келтиришни режалаштирмоқда.

(ЎзТАГ).

### ЯНГИОБОДДА ШАҲАР ПАРТИЯ ҚЎМИТАСИ ТИКЛАНДИ

Янгидан ташкил бўлган Ўзбекистон Компартияси Янгиобод шаҳар қўмитасининг ташкилий пленуми бўлди.

Янгиобод ишлаб чиқариш-хўжалиқ партия қўмитаси қотиб бўлиб ишлаб келган ўртоқ Г. И. Потатев шаҳар партия қўмитасининг биринчи қотиб қилиб сайланди. Ленинград сисъатшуослик олийгоҳининг тингловчиси ўртоқ О. М. Мирзаев иккинчи қотиб этиб сайланди.

Пленум ишида вилоят партия қўмитасининг иккинчи қотиб ўртоқ В. Г. Гришчук қатнашди.



### Буни ишбилармонлик дейдилар

ШУ КУНЛАРДА Тошкент ноҳиясидаги К. Маркс номи жамоа ҳўжалигининг теплицасида бўсангиз помидор, бодринг ва бошқа резаворлар билан биргаликда ажойиб бир дарахтсимон ўсимликка кўзингиз тушади. Бу папаялардир. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳўжаликда унинг мевасидан шарбат олинмоқда. Фақат бутина эмас, папаянинг мевасида одамларнинг саломатлиги учун муҳим бўлган моддалар мавжуд.

Келгусида ҳўжаликда бу ўсимлиكنи кўпайтириш режаси тузилмоқда. Шу мақсадда жамоа ҳўжалиги раиси Р. Акбаров Малайзияда бўлиб уни саноат асосида ривожлантириш технологияси билан танишиб қайтди.

Фақат бутина эмас. Ҳўжаликда яна

бир ўзгача «ферма» ҳам яратилди. Бу ерда тошбақаларни кўпайтириш билан шуғулланишмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳўжаликда боқилаётган тошбақалар сони мингдан ошди. Уларга озуқа ҳам ҳўжаликнинг ўзидан чиқмоқда. Бу мақсадда жамоа ҳўжалиги консерва заводининг қолдиқлари ишлатилмоқда. Бу янгиликлардан асосий мақсад валюта ишлашдир. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бир дон тошбақа 15 доллар туради. Уни океан ортда тўхатмай харид қилинади. Албатта булар ҳўжаликда жаҳон бозорига чиқиш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Ҳозирча бешта хорижий фирма билан шартнома тузилмоқда. Келгусидаги режалар янада катта. Халқимиз тили би-



лан айтганда буни ишбилармонлик дейдилар.

М. ФАТТОХОВ.

Суратларда: (чапда) жамоа ҳўжалиги раиси Рустам Акбаров папая ўсимлигининг мевасини кўздан кечирмоқда; ҳўжалик герпетологлари Галина Кривошеина ва Сергей Пивцаевлар тошбақалар «фермаси»да.

Р. НУРИДДИНОВ суратлари.  
(ЎзТАГ).

## ● Ахборотимиз изидан

# ЎЗИМИЗ ЕТИШТИРДИК, ЎЗИМИЗ СОТАМИЗ

ШУ КУНЛАРДА Тошкентда, Кооператорлар уйда ўтказилган Ўзбекистон пахта маҳсулотини улгуржи сотиш бўйича жумҳуриятлараро ярмарка шори шундай бўлиши мумкин. Бу ярмарка давр тимсолдир. Яқин-яқинларгача етиштирилган барча Ўзбекистон пахтасини иттифоқ «Союзглавлегпромсирий» фирмаси тақсимларди. Эндиликда пахтаимизни ўзимиз сотамиз.

Асримиз бошида шундай бўлган эди. Ҳатто, Октябрь инкилобидан кейинги дастлабки вақтларда ҳам шундай бўлган эди. Ушанда пахта биржаси мавжуд эди. Бироқ кейинчалик бундай тижорат усуллари йўқолиб кетди.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий сисъати аниқ аҳолининг амалий жўшқинлигини ҳисобга олиб қурилмоқда,— деди ярмарканинг очилишида Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳамаси Раисининг биринчи ўринбосари, агро-саноат комплексининг раҳбари И. Х. Жўрабеков. Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 80 фоизи Ўзбекистондан ташқарига хом ашё

сифатида жўнатилмоқда. Барча пахта толасининг фақатгина тўққиз фоизини жумҳурият ўзида фойдаланмоқда. Бундай аҳолини ўзгартириш керак. Албатта, бу бошқа жумҳуриятлар манфаатларига зарар келтирмайдиган қилиб амалга оширилади. 1991 йилда бошқа минтақаларга пахта етказиб бериш бу йилги даражада қолмади.

— Бироқ нархлар бошқача бўлди,— деди хом ашё ва енгил саноат маҳсулотларини ташкинлаш ва сотиш бўйича бош бошқарма — «Ўзглавлегснабсбит» бошлигининг ўринбосари В. Коровкин. — Унинг негизида пахта толасига бўлган ҳалқаро баҳо туради. Биз ярмаркага 1 миллион 400 минг тонна пахта толасини қўйдик ва толаннинг 40 фоизга яқини прейскурант нархлари бўйича сотилди. Эндиликда улар олдингисидан 2—2,5 баравар ортқидир.

Ярмарка ишининг биринчи кунда Литва, Латвия, Эстония кордомонлари билан музокара-лар олиб борилди.

Албатта, ўз сотувчиларимизни ҳам, келаётган харидорлар-

ни ҳам бугун анча шартли равишда кордомонлар деб ата-ялмиз. Улар бир-бирига бераётган саволларни Миссисипидаги пахтакор фермер оғзидан ҳеч вақт эшитиб бўлмайди. Масалан, мамлакатда машҳур бўлган тўқимачилик корхоналари вакиллари жумҳуриятлараро шартномалар, фондлар, лимитлар ва бошқа шу каби-лар бўлгани ҳолда нима учун нархлар шартномавий эканлигини тушунолмаётдилар. Музокара-ларда шундай категориялар ҳам айтилмоқдаки, уларни ҳеч вақт бозор категориялари, деб атаб бўлмайди. Ҳа, етиш йил давомида уларни унутиб қўйдик. Эндиликда янгидан коммерция харид қилиш-сотиш механизмининг ўзлаштираёламиз.

Бизнинг ярмарка тўғрисидаги ахборотимизда рақамлар кам. Бу ҳам давр тақозосидир. Ярмарка очилиш вақтида «Ўзглавлегснабсбит» бошлиғи Ш. Гатауллин харидорларни оғохлантириб шундай деди: «Шартнома нархлари бу коммерциядир. Бир хил харидорлар учун баҳо-лар бир хил бўлса, иккинчилари билан бошқача бўлади. У олди-сотдининг қандай шарт-

ларини таклиф қилишга ва қанча пахта харид қилишга боғлиқ. Биз сотувчилар, албатта, ҳар бир контракт шартларини камайтирмаслик ва навбатдаги музокара-ларнинг натижаларига таъсир кўрсатмаслик учун шундай қиламиз».

Ярмарка натижалари фақат 7 декабрда маълум бўлади. Бироқ биринчи кунда савдо қандай бормоқда, деган саволга В. Коровкин катта бармоқни кескин юқорига қаратиб, кўрсатганлиги ишонч бахш этади. Демак, олди-сотди муваффақиятли бормоқда.

— Ярмарка ҳушқачқак илтифотли табассумлар билан бошланди. Ярмарканинг очилиш маросими яқинлашганда Ш. Гатауллин йирилганларнинг қарсаклари остида ярмаркага келган Кинешмадаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Бобковни тугилган кўни билан табриклади. Россиядан келган юбиларга турфа қизил гуллар тақдими этилди. Барча ярмарка кўнларида иш шундай яхши кайфият билан ўтса эди...

Ю. ГАЕВ.



А. ИМОМХУЖАЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

— Суҳбатингиз учун та-  
шаккур.

—• Бозор иқтисодиётини ўнгила тайёрмисиз?  
**ВИДЕОМАГНИТФОНЛАРНИ ҚАЧОН ЧИКАРАМИЗ?**

## ОИЛА ДАВРАСИДА

КУПЛАБ муштарийларимизнинг талаб ва ҳоҳишларини инобатга олиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо асар—«Кубуснома» бобларидан парчалар берилиши давом эттирамиз.

## ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

ЭЙ ФАРЗАНДИ! Агар сен бо- билан кемага ўтириб. Дажла ла кўрсанг, унга хашш от қўй- гил, чуқки отадан фарзанд ҳақларидан бири (унга) яхши кси қўйишдир...

Каттарок бўлгандан сўнг ра- ният (оддий одам) бўлсанг, ҳу- нар ва касб ўргатгайсан. Агар ҳарбий кишилардан бўлсанг, ҳарбий илмини ўргатгайсан. Бу- ларни (фарзандинг) билгандан сўнг, шинаварлик, яъни сууда сузишни ўргатгил. Масалан, мен ўн ёшда эканимда бир ҳожибим (зишк оғаси, оталиғ) бор эди, уни Манзар Соҳиб дер эдилар. У от миниб илми- ни яхши биларди ва Райхон отлик бир ҳодимим (ҳам) бор эди. Отам мени бу икковига топширди. Токи улар менга отда юриш, найза ўрмоқ, ик- ки тишли найза (забвн) отмоқ, чақон ўрмоқ, каманд сиртмоқ ташламоқ каби ҳарбий ҳунар- ларни ўргатсинлар. Мен улар- нинг ёнида кўриб оғина вақт ичиде от устида юришнинг барча илмини ўргандим, ҳунар- ларини билдим. Ундан кейин Манзар ҳожиб ва Райхон хо- дим мени отанинг олдида олиб бориб:

— Эй, амир, агар меҳрибон бўлсангиз, эртага сакроде фар- зандингиз амирзода машқ қил- са, сиз унинг барча ўрганган ишларини кўрсатгил,— деди- лар. Амир: «Кўп яхши бўлур!» — деди. Мен иккинчи (эртаси) куни ҳамма билган (ўрганган) илминини ва ҳунарини отамга кўрсатдим. Отам ҳожиб ва хо- димга яхши хилъат(тўн)лар инъ- ом қилди. Шундан кейин отам уларга деди: «Фарзандим ўр- гатган ишларингизни яхши би- либдир, ҳунарларингизни яхши- си ўргатибсизлар, яна бир за- рур ҳунар қолибдир».

Улар: «Қайси ҳунар!» — деб сўрадилар. Отам деди: «бу ўр- гатган ҳунарларингизни зарур вақтида ўқилининг ўрнига бош- қа киши бажарса ҳам бўлади, аммо зарур вақтида ўқилининг ўзи бажаредиган, унинг учун бошқалар уйдалаши мумкин бўлмаган ҳунарни ўргатмабсиз- лар!».

Улар (яна): «Қайси ҳунар?» — деб сўрадилар. Амир: «Сувада сузмоқдирки, буни бошқа киши ўқили учун қила олмайдир!» — деди. Шундан сўнг амир икки мал- лох (кемачи)ни...келтириб; ме- ни уларга топширди ва улар менга сувада сузмоқ ҳунарини воғатдилар. Мен ҳўрам-ноҳўрам (истар-истамас) ўрганишга маж- бур бўлдим ва яхши ўргандим. Бир вақт (куни) бир неча киши

жоат фойда бермайд- (ам бирор ҳунарни ўрганса, ё кун у ҳунар (қунига) ярағус- дир деб буюрди...

...Уелингни уйлантирмоқч- (ёки) қизингни турмушга чи- қармоқчи бўлсанг, эинҳор ўз қариндошларинг билан олди- берди (қудачилик) қилмагил. Бегоналар билан қуда бўл-... Бошқа қабилидан қуда топ, бу билан бир қабилини икки қа- била қилган бўласан, бегонани ўзингга қариндош қилгайсан, токи қуваатинг икки (ҳисса) бўлғай, икки томондан мада- динг, қўмагинг қўпайғай...

ТАЙЕРЛОВЧИДАН: Қадим за- монларданок аждоқларимиз фарзанд тарбиясига, ёшлар одобиға катта эътибор билан қараганлар. Ҳар-бир тузум ва даврда ёшлар тарбиясига онд ришолалар, воқеабандлар, пе- дагогика қарашдаги, ахлоқий мавзудаги асарлар яратилган. Чунончи, Юсуф хос Хожибнинг «Кутадғу билик», Аҳмад Юг- накийнинг «Хиба-ул-ҳақоийк», Жалолиддин Румийнинг «Мас- навиг-й мазнавий», Зайниддин Восфийнинг «Бадоъ-ул-ва- қое» Носир Ҳисравнинг «Сао- датнома», Рўшойнонинг «Каби- ўнааб асарлари; Навоий, Аб- дулла Авлоний, Пошхожўна, Ҳамза Ниёзий, Давоний, Жо- мий, Ҳусайн Ҳўфзий каби ал- ломаларнинг тарбиявий асарла- ри мавжуд. Минг афсуски, бу дурдоналар ўрта таълим мак- таблари дарсликларида деярли ўрин олмаган. Ҳатто «Кали- ла ва Димна»дек машҳур асар- га ҳам етарли эътибор берил- маган. Дарсликларимиз асосан русча қўлланмалардан ўғирил- ган нусхалар бўлиб, бошланғич таълимданок «Оврупоча» тар- бия усули қўлланилади. Шар- қона мулозамат, нафислик, та- лқин дарсликларимиздан кам ўрин олган, гўёки авваллари Шарқда таълим-тарбия бўлма- гандек...

Ваҳоланки, руслар маданиятини Овруподан ўрган- ган бўлса, овруполиклар мада- ниятини Шарқдан ўрганганлар.

Ҳозирги қайта қуриш шаро- фати билан янги дарсликлар ҳам ижод қилинмоқда. Уйлай- мизки, ўзбек халқи фарзанд- лари ақин йиллар ичиде шар- қона ахлоқий асарларни ўз ичи- га олган қўлланмаларга эга бў- ладилар.

Афлотун ҳақим айтганидек: — Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келажак давр учун тай- ерланг, чуқки улар сизнинг зо- монангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир.

Дилмурод САИДОВ. (Ушбу боб С. Долимов томонидан тайёрланган таълиб нусхадан қисқар- тириб, айрим ўзгартиш- лар билан олинди.)

## ЭШИТИЛМАГАН

## САЛОМ

## Ҳикоя

Бу-йил энди биринчи синф- да ўқийтган Бехзод мактабдан сал нохуш кайфиятда қайтди. Унинг кўзлари ичига чўккан, қовоқлари солиқроқ. Кунда очилиб-сочилиб берадиган са- ломини ҳам бермай, папкиси- ни илди-ю, дарсхонасига ки- риб кетди.

— Ҳа, ўғлим, нима бўлди, ҳафасан, — сўради уни ҳеч вақт бу қиёфада кўрмаган бу- виси Муборак хола.

— Ҳеч нарса, ҳеч бало бўл- ганми йў.

— Вой ширингинамай, сен- дан бунақа кўпол сўзлар чи- қишини кутмаган эдим. Муло- имроқ гапир, тойчоғим. Де- галсўз юракка тикандек бота- ди. Бола деган охишта, юм- шоқ гапиреди. Минг жаҳли- чиксе ҳам одам ўзини тут- те билиши керак. Қани айт-чи, се- ни ким ҳафа қилди?

Бувисининг қистовидан ке- ин Бехзод аста-секин ерга қараганича гап бошлади.

— Гузардан пастроқда тура- диган Риксвой амакини та- нийсизми?

— Танийман, ширингинам, танийман. Узинг мон олиб ке- ладиган Башор навоийнинг адасини айтгансан-да.

— Ҳа, ўшалар.

— Ҳўш гапир-чи.

— Биз Ҳамро, Воҳид бирга кетаётган эдик. Амаки дўхтир- хона томондан келётган экан- лар. Салом бердик. Алик ол- май ўтиб кетдилар. Уч-тўрт қадам юриб орқаларига ўгри- либ.

— Ҳой, болалар, — деди- лар-да, қарашимиз билан ер- га эгилганча «Ассалому алай- кум!» деб бизга салом берди- лар.

— Тушунмай ҳайрон бўлиб турган эдик.

— Сенларнинг муаллимла- ринг ким? — деб сўрадилар. — Дилдоре опа, — дедик.

— Эртага уни учратиб ал- батта айтаман. Уқувчиларинг катталарга салом бермай қўйи-

шипти. Уларни одобга ўргат, — дейман дедилар. Аслиде уччаламиз ҳам салом берган эдик. Одамга алам қилиб кетди. Энди ўқитувчимиз олди- да уяладиган бўлди.

Муборак хола набираси ни- мадан ранжиганини тушуниб етди.

— Болажоним, бу ҳафа бў- ладиган иш эмас. Кейинги са- фар сал баландроқ овозда до- на-дона қилиб салом беринг- лар. Кейс одам, балки салом- ларингизни эшитмай қолган- дир, — дея Бехзодни юпатган бўлди.

— Уқитувчимизга айтсалар- чи, бутун синф олдида уялиб қолишимиз-чи, — ҳуноб бўлиб деди Бехзод.

— Бунисидан ҳавотир ол- ма, — далада берди Муборак хола, — Муаллимингга кечки пайт ўзим қўнғироқ қилиб қўя- ман. Бор гапни тушунтирмам.

Чиндан ҳам Бехзоднинг бу- виси шундай қилди. Уқитувчи билан ўзоқ гаплашди. Негад- дир, чехрасида ачиниш пайдо бўлди.

— Амаки, ўқитувчимга айтиб бўптиларми, — сўради Бехзод, бувисининг қиёфасини кўриб.

— Йўқ, шириним, Риксвой амаки муаллимнинг тоғала- ри эканлар. Уқитувчинг: «Чин- дан ҳам тоғанинг қулоқлари оғир, бугун дўхтирлар шифо- хонага етишга қозғ қилиб беришибди. Болалар беҳуде ранжишмасин», — дедилар.

Бехзод сал енгил тортадек бўлди. Аммо Риксвой амаки- нинг касалхонага етишини эши- тиб ачинди.

— Бувижон, — деди у кейин кўнгли бироз еришиб, — ама- ки тузалиб чиқсалар албатта эшитадиган қилиб салом бера- ман-а.

— Албатта, тойчоғим. Сен- га ишонаман, — улар тез кун- да тузалиб чиқадилар, — не- варасидан ҳам, унинг ўқитув- чисидан ҳам миннатдор бўлди Муборак хола.

Сандвали ҲАСАНОВ.

## ФАРЗАНДНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ ҲАКИДА

## ЎРНАК

## БЎЛИШМОҚДА

Хонани тўлдириб жажжой- лар шеър айтишмоқда. Улар ўзбек тилини улуғлашпти.

Тилподай азиз,  
Жон каби лазиз  
Ажиб ширин сўз  
Эй ўзбек тилим.  
Маъноларга ёй  
Бахш этар чирой  
Этаман кўз-кўз  
Эй ўзбек тилим.  
Яшатиб олам  
Навоий бобом  
Деган Улуғ сўз —  
Сен ўзбек тилим.

Кичкинтойлар бир нафастин олишгандан фойдаланиб, бу чиройли тадбирни уюштирган пойтахтимизнинг Собир Раҳи- мов ноҳиясидаги 432-боғча мудираси Саломат Тошпўлато- ва билан суҳбатлашдим. У «Биз ўзбек тилини ўрганамиз» байрам анжуманига ота-она- лар, ҳамкасблари тақдир қи- лганини айтиб берди. Мак-

сад боғчадаги ўзбек бўлмаган болаларга ўзбек тилини ўр- гатишдаги тажрибани ўртоқла- шшдир. Бундайлар сони бо- гада 60 фонзин ташкил этади. Маълум бўлишича, ана шунан- да тадбирлар биринчиси эмас экан. Шунинг учун ҳам Жена Яхиянов, Руслан Бикбаев, Поли- на Юдина каби кичкинтойлар ўзбек тилида шеърларни бур- ро-бурро ўқиб беришди.

Бу боғчада ўзбек группала- ри учун рус тилини, рус груп- палари учун ўзбек тилини ўр- гатиш бўйича махсус режано- ма ишлаб чиқилган. Турли спорт ўйинлари, концертлар, кичик сахна кўрсатувларидан фойдаланиш орқали болалар тил ўрганишмоқда.

Шу кўни анжуманда ишти- рок этган ноҳия халқ таълими мудир Мақсуда Одилова бай- рамни юқори баҳолади. У тад- бирни мазмунли ўтказишга ҳисса қўшган барча тарбиячи- ларга миннатдорчилик билди- рди.

М. МИРАЛИЕВ.

■ Суратларда: ўзбек тилини ўрганамиз байрамидан лавҳа- лар.

Сураткаш Даврон АҲМАД.





## • Шарқ мамлакатлари рўзномалари саҳифаларида ОДАМ ЎРНИГА... РОБОТ

Франциядаги илмий институтлардан бирида қилинган фаразлар шуни кўрсатадики, 2000 йилга бориб ер юзида салкам ўн миллионга саноат роботи яратилади.

Бу хил маълумотлар яқин ўтмишда техника соҳасидаги ютуқ деб баҳоланар экан. Бунда француз олимлари бунда инсониятга нисбатан хавф туғдириши эҳтимоли бор, деб ҳисобламоқдалар.

Сўнгги маълумотларга кўра, ишлаб чиқаришда содир бўлаётган ва одамларнинг ҳалокатига олиб келаётган барча ҳодисаларнинг ярмида ана шу «ақлли механизмлар» айбдор бўлиб чиқмоқда.

## СУВЛИ ЧОЙШАБ

Америкаликларнинг 20 миллиондан ортиқ аҳолиси сув тўлазилган чойшабда

## ТАБИБНИНГ ҲАТОСИ

Одамзодга ҳар қандай дори ҳам шифо бўлавермас экан. Кения мамлакатининг Качилиба қишлоғида яшовчи аҳоли бунга ишонч ҳосил қилди. Қишлоқнинг мўътабар қарияларидан бири ками бўлиб қолганида одамлар оdatлагидек табибга мурожаат қилдилар.

Тиббиёт билан шуғулланувчи табиб тун бўйи оқ-воҳ қилиб, азоб чеккан бемор ушунда дуохонлик қилиб бўлгач, бир дори тайёрлади. Бемор ушбу «шифобахш» доридан бир қўлтум татиб кўриши билангина оламдан кўз юмди. Тайёрлаган дориси наф бермаганини сезган табиб ўз қилинишини яширишга уринди. Аммо сирин яширинининг иллати бўлмади,

ЮНЕСКОнинг диққат-эътибори ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш муаммосига қаратилган. 2000 йилга бориб роботлар бажарадиган ишлар ҳажми кенгайди. Табиийки, одамлар ҳам кўпроқ бўш вақтга эга бўлади. Натижада улар бўш вақтларини уйда телевизор ёки компьютер олдида ўтказадиган бўлади. Бу ҳол эҳтилол шунга олиб келадики, инсон ташқи дунё билан фақат машина ва механизмларнинг тугмачаларини босиш ҳамда дастакларини бураш орқали боғланадиган бўлиб қолади.

Инсон унинг ўзи яратган роботага ўхшаб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Ухлайди. Бу одат бундан 25 йил муқаддам Калифорнияда пайдо бўлган. Шифокорларнинг аксарияти орқа томони оғрийдиган беморларга сувли чойшабда ухлашни тавсия қилмоқда.

чунки вафот этган кишининг қариндош-уруғлари ва қўшнилари бундан огоҳ эдилар.

Шунда ҳалиги одамлар табибни ўзи тайёрлаган дорини татиб кўришга мажбур қилдилар. Аввалига табиб: ахир мен бемор эмасманку, нега энди дори ичишим керак? — дея бош тортади. Бироқ дўқ-пўписалар тазияқда доридан бир қўлтум ичишга мажбур бўлади, ичадую... нариги дунёга равона бўлади.

Шу тариқа табибнинг жонсиз жасади ўз қурбони ёнида қўзғилиб ётарди.

(Мисрда чиқадиган «АЛ-АХРОМ» рўзномасидан). Арабчадан Беҳзод РАСУЛОВ таржимаси.

олар экан. Оврупо Иқтисодий Ҳамкамиятига қарашли «умумий бозор» омбороналарида тўпланиб қолган ошқича ёғ эса 230 минг тоннагача ташкил этади.

● **ЛОНДОН.** Буюк Британиянинг янги Бош вазир Жон Мейжор ўз ҳукумати таркибини асосан аниқлаб бўлди. Янгида унинг муҳофизлари бўлган Д. Хэрд Ташқи ишлар вазирлиги бўлиб қолди. М. Хэзлтайн эса Атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги лавозимига таъинланди. Ҳукумат таркибиде биронга аёлининг йўқлиги Англия матбуот воситалари муҳбирларининг киноясига сабаб бўлди.

● **БАҒДОД.** Маълумки, эртанинчи бўлиб ўтадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида Ироққа нисбатан ҳарбий куч ишлатиш ҳусусида қатъий бир қарор қабул қилиниши керак. Бундан хабардор бўлган Ироқ раҳбарияти БМТ Хавфсизлик Кенгашида қандай қарор қабул қилинишидан қатъий назар Ироқ уни бажармайди, деб айтди. БМТ ҳатти-ҳаракатлари бизни Қувайтга нисбатан миллий-тарихий ҳуқуқларимиздан қайтара олмайди, дейилди Ироқ раҳбарияти баёнотида.

● **САЛЬВАДОР.** Фарабундо Мартин номдаги Сальвадор миллий-озодлик fronti раҳбарияти бутун мамлакат бўйлаб ҳарбий ҳаракатларини кучайтиришга қарор қилганини эълон қилди. Шу орада Сальвадорнинг 35 минг кишини иборат ҳукумат қўшинлари фавақулда тайёр ҳолга келтирилди.



## Душанба

3 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ I

11.30 Физика. Спектраль анализ. 12.00 Ҳаётда ўзининг топ. Телефильм. 12.30 Жўрофия. Шарқий Европа текислиги. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. Жаҳоирлар маликасига ҳужум. Бадий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Пиратнинг ёзишмалари. Мультифильм. 18.20 Тенгдошларнинг ижоди. Хоразм вилоти Қўшқўлр ноҳиясидаги 36-хунар-техника билим юрти талабаларининг чиқиши. 18.45 Маорифимиз муаммолари. 19.30 «Ахборот». 19.50 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси халқ чогув оркестрининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Жумҳурияда хизмат кўрсатган артист Феруза Солиқова рақсга тушади. 21.30 «Время». 22.00 Экран таништиради. 22.50 Товламачи. Бадий фильм.

♦ УЗТВ II

19.05 Ассалому алайкум». Мусликий кўрсатув. 20.05 Спринт. 20.20 Эсдалик учун дастхат. 20.45 Манфаатимиз йўлида. 21.25 Тикорат хабарлари. 21.30 «Время». 22.00 С. Айний номдаги академик опера ва балет театрининг 50 йиллиги олдидан. Жумҳурият халқ артисти, композитор Шарофиддин Саифиддинов. 22.55 Оталар. Бадий фильм. 1-серия.

♦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 1-серия. 10.10 Кулоқсизлар байрами. Мультифильм. 11.00 Футбол шарҳи. 11.30 Биз қандай дам оламиз туркумидан кўрсатади. 12.00 Саёхатчилар клуби. 13.00 «Время». 13.40 Фигуралы уиш. Халқаро мусобақалар. Кўргазмачи чиқишлар. Одессадан кўрсатилади. 16.00 В. Готцев ва куйлайди. 16.25 Чукотка туб аҳолисининг муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 17.15 Болалар соати. 18.15 Табиат ҳозирча бизники. Ҳужжатли фильм премьераси. 18.40 Калевала. Мультифильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 19.00 «Время». 19.30 Биз ва иқтисодиёт. «РАФ» бугунги кунда. 20.15 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 22.05 Кор парчалар. Телевизион бадий фильм премьераси. 23.25 Муаллифлик телевидениеси. Юрий Любимовнинг кичик фожиалари. «Тунов кун». 00.40 ТЯХ. 00.55 Степан Эрзанинг ух орузи.

♦ МТ II

9.00 Эрталабни бадантарбия машқлари. Укув программаси. 9.15 Табиат сирлари. Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Жўрофия. 8-синф. ССЖИнинг ўрмон ресурслари. 10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланётганлар учун. 11.35, 12.25 Мусика. 2-синф. П. И. Чайковский. Болалар альбоми. 12.05 Библиофика. 7-кўрсатув. 13.05 Космонавт Волковнинг ердagi сўхмоқлари. Ҳужжатли фильм. 13.15 Ритмик гимнастика. 14.05 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. Дала ҳовли воқеалари. 1-серия. Илк ёмғир. 17.25 Николай Грицюк... Халқига бегона муассавир. Телевизион ҳужжатли фильм. 18.05 Тарих саҳифалари. Давр. Н. М. Карамзин. 18.50 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Биз кўл эмасмиз. Усиб келаётган ёш авлод тарбияси учун жамият-

хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Вертикал. Қадди қувонч. Ҳужжатли фильм премьераси. Ватан хор музикаси I Бутуниттифоқ фестивали ҳақида. 21.15 Қизил томоқ каварка. Телефильм. 21.25 Айқалар овуноғи. Тюмендан кўрсатилади. 21.45 Товушли йўлга.

## Сешанба

4 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ I

18.05 Янгиликлар. 18.10 Қувонч ёлғончи. Мультифильм. 18.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.50 Элга хизмат: талаб ва тақлиф. 19.30 «Ахборот». 19.45 Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Суяним — шеърят. Шокир Хакимий. 21.30 «Время». 22.00 Тафаккур гулшани. 23.20 Мудҳиш хато. Бадий фильм.

♦ УЗТВ II

19.05 Қишлоқда ахволлар қандай. 19.50 Сузавер қайиқча. Бадий фильм. 21.00 Қурилиш жабҳаларида.

**ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ.** 21.30 «Время». 22.00 Ашқи зиндаги. Телевизион спектакль премьераси. 23.00 Оталар. Бадий фильм. 2-серия.

♦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 2-серия. 10.10 Мультифильмлар. Шалпанг кулоқ. Шалпангкулоқ ва унинг дўстлари. 10.45 Айбсиз айбдорлар. Ҳозирги суд ишларида халқ маънавиятиларининг роли ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 11.05 Болалар соати. (Немис тили дарси билан). 12.05 Никобни очиб қара. Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 12.50 Коллаж. 13.00 «Время». 13.40 «Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 13.55 Бу бизнинг турмуш. Телевизион ҳужжатли фильм. 16.00 Фольклор коллективларининг концерти. 16.20 А. Фед. ГСФСР халқ артисти Л. Шербинина ўқийди. 16.35 Бор бул, мусика. 17.20 Объектив. «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 17.55 Бруннада. Ҳужжатли фильм премьераси. 18.20 Калевала. Мультифильм премьераси. 3—4-сериялар. 18.40 Ажойиб киш кунларининг бирида. Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Время». 19.30 Севги ва айрилиқ. Қадимий ва замонавий романслар. 20.15 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 22.00 Никобни очиб қара. Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 22.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 23.00 Россия парламент хабарномаси. 23.15 Сўз. Бадий-публицистик программа.

♦ МТ II

9.00 Эрталабни бадантарбия машқлари. Укув программаси. 9.15 Табиат сирлари. Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Жўрофия. 8-синф. ССЖИнинг ўрмон ресурслари. 10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланётганлар учун. 11.35, 12.25 Мусика. 2-синф. П. И. Чайковский. Болалар альбоми. 12.05 Библиофика. 7-кўрсатув. 13.05 Космонавт Волковнинг ердagi сўхмоқлари. Ҳужжатли фильм. 13.15 Ритмик гимнастика. 14.05 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. Дала ҳовли воқеалари. 1-серия. Илк ёмғир. 17.25 Николай Грицюк... Халқига бегона муассавир. Телевизион ҳужжатли фильм. 18.05 Тарих саҳифалари. Давр. Н. М. Карамзин. 18.50 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Биз кўл эмасмиз. Усиб келаётган ёш авлод тарбияси учун жамият-

нинг масъулияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 Қарқара жойини ўзгартирди. Телефильм. 21.25 «Тўсиқ». Ешлар рэкет. 21.50 Кичик концерт. 22.00 Рингга қаҳирлар. Бадий фильм. 23.25 Қувонч қалб. Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 01.00 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва).

## Чоршанба

5 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ I

11.30 Биология. 12.00 Шифобахш суварал водийси. Ток новдаси. Телефильмлар. 12.30 Кино. VI-групп элементлари. 13.00 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 1-серия. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Сирли кўлр. Мультифильм. 18.30 Болалар учун. Қувончлар даврасида. 19.00 Инсон ва қонун туркумидан. Прокурорин ким ҳимоя қилади? 19.30 «Ахборот». 19.50 Қадрият. 20.20 Тижора хабарлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Жумҳурияда хизмат кўрсатган артист, бастакор Қасимов Комил. 21.30 «Время». 22.00 Ўзбекистон Халқ артисти С. Хўнаевнинг 80 йиллиги. «Ижодий портрет». 22.55 Бузоқ йили. Бадий фильм.

♦ УЗТВ II

19.05 Ҳар бир уй учун. 19.35 Давр тақозоси билан. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 Санъат рекламиси. Тошкентда тижорат бўйича халқаро анжуман. 21.10 Театр менинг ишим. Телефильм. Душанбе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.00 Ҳаёти деҳот. 22.40 В. Висоцкий. Бадий фильм.

♦ МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 3-серия. 10.20 Мультифильмлар. 10.45 Хоккей. ССЖИ чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва) — 2—3-давлар. 12.25 Никобни очиб қара. Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 13.00 «Время». 13.40 Хоккей. Уртқотқил учрашуви. «Лос-Анжелес-Кингз» — «Химки». 2—3-давлар. АҚШдан кўрсатилади. 16.00 Бир варақ оқ қоғоз. Телевизион ҳужжатли фильм. 16.30 Мусликий хазина. Я. Сибелиус. Скрипка ва оркестр икроси учун концерт. 17.05 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 18.05 6-километрда концерт. Ҳужжатли фильм премьераси. 18.30 Калевала. Мультифильм. 5—6-сериялар. 18.50 Ер она масканисиди. Фотоконкурс. 18.55 Резонанс. Европа келажикади: олий даражадаги учрашувдан сўнг. 19.55 М. Мусоргский. Лисая Горада тун. 20.10 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 22.05 Никобни очиб қара. Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.40 Овози мен учун. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. А. Ахматова шетрлари асосида композиция. 23.40 ВИД танитишлари: Виктор Цой хотираси. 01.10 ТЯХ.

♦ МТ II

9.00 Эрталабни бадантарбия машқлари. Укув программаси. 9.15 Табиат сирлари. Илмий-оммабоп альманах. 9.35, 10.35 Физика. Вазисизлик ва ортқиқча юк. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланётганлар учун. 11.35, 12.35 Умумий биология. 10-синф. Эволюциянинг асосий йўналишлари. 12.05 Библиофика. 8-кўрсатув. 13.05. Ялта — 91. 13.15 Манеждан манежга. 13.25 Ов Ҳужжатли телевизион фильм премьераси. «Динамо» футбол командасининг собиқ капитани В. Турянчик ҳақида. 13.45 Циркни ҳамма севади. Албик йигитлари. Свердловскдан кўрсатилади.

## СЎНГГИ СОАТДА

● **БОНН.** Телевидение ва радио орқали сўзга чиққан ГФЖ федерал канцлери Г. Коль ҳамда унинг муовини Г.-Д. Геншер Германия Федератив Жумҳурияси аҳолисинга мурожаат қилиб, ССЖИга озик-овқат маҳсулотлари билан ёрдам беришга қаҳирдилар. Давлат бошлиғи жумладан шундай деди Совет Иттифоқидаги тақчилликни юмшатиш учун ёрдам беринглар. Бу — ёнгиндаги биродарингга, шунингдек, ён қўшинга ҳайрли ёрдам бериш деган гапни аниқлатади.

● **ЛОНДОН.** Қийин ҳолатларда ёрдам бериш бўйича Фонтмелл гуруҳининг раиси Фарб мамлакатларига мурожаат қилиб, Совет Иттифоқида ҳамда Шарқий Оврупо давлатларига озик-овқат билан ёрдам беришга қаҳирди. Бу халқаро уюшмага ҳарбийларда мавжуд бўлган воситалар ёрдами билан кўмак беришни сўради, ҳарбий, илмий, диний ташкилотлар киряди.

● **ДУБЛИН.** Ирландия фермерлари ССЖИга озик-овқат билан ёрдам бериш ташаббусини кўтариб чиқдилар. Улар арзон нархларда зерлик билан ошқича ёғ маҳсулотларини Совет Иттифоқида етказиб беришга даъват этдилар. Маълум бўлишча, ССЖИ ҳар йили четдан 300 минг тонна ёғ

14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. Дала ҳовли воқеалари. 2-серия. Дарахтарлар бағр ёзганда. 17.25 София филармонияси. Э. Табаков раҳбарлигидаги симфоник оркестрининг концерти. 18.10 К. Симонов. Урушсиз ўтган йигирма кун қиссасидан парчалар. Муаллифнинг ўзи ўқиган. 18.40 В. И. Ленин номи МГПИ «Млада» хорининг чиқиши. 19.00 «Время». 19.30 Коллаж. 19.35 Ратборнинг болалиги. Мультифильм. 19.55 Ҳинд океан қирғоқларининг экологик муаммолари ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 А. Баркин ўз кўшиқларидан икки эстади. 21.15 Мухандислар қасри. Телефильм. 21.25 Сократ дедон портрети. Қишлоқда ҳужайини хиссини қайтадан тиклаш ҳақида. 21.45 Студиямизда Андрей Гридчук ва Людмила Берлинская. Р. Шуман. «Ажиб манзаралар». 22.00 Даҳонинг ёшлиги. Бадий фильм. 23.25 Тотли лаҳзалар. Фильм-концерт. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 01.00 Хонкей. Урқоқлик учрашувлари. «Лос-Анжелес-Кингз» — «Химик». 2—3-давлар. АҚШдан кўрсатилади.

## Пайшанба

6 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ 1

11.30 Болалар учун фильмлар. Кичик йилқибоклар. Сехрли паровозча. 12.00 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 2-серия. 18.05 Янгилликлар. 18.10 Анҳор бўйда. Мультифильм. 18.25 Мактаб ўқувчилари учун. Санъат ғунчалари. 19.00 Алифбо сабоқлари. 19.30 «Ахборот». 19.50 Хожинабар Ҳамидов ва Дилором Шукржоновна концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мазрифатнома. 21.20 Бухорои Шариф. Манзарали фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Мерос». «Бобурнома»нинг 460 йиллигига. 23.00 Кино... Кино... кино...

♦ УЗТВ 11

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади: 1. Шахризоданинг саволлари. 2. Ҳамшаҳарлар. 21.15 Шогирдларнинг даври Ҳужжатли фильм. Душанбе кўрсатади. 21.30 «Время». 22.00 Ворисоний. «Шашмақом». Конкурс программа. 23.00 Сизга эркинлик бериш учун келдим. Телефильм.

♦ МТ 1

7.00 «120 минут». 9.00 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 4-серия. 10.15 Болалар соати. (инглиз тили дасри билан). 11.15 Хайвонот оламида. 12.15 Никобни очиб қара. Уч серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 13.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 13.55 Степан Эрзанинг уч орузи. 14.40 Л. Бернштейн. «Бессайд воқеаси» мюзиклидан симфоник рақслар. 15.00 Австрия. Альп қиссаси. Ҳужжатли фильм премьераси. 16.10 Компьютер билан мулоқот. «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 16.55 Усталар ҳақида уч новелла. Ҳужжатли фильм премьераси. 17.45 Калевала. Мультифильм премьераси. 7-серия. 17.55 Сийсий мулоқотлар. Вазият. 18.25, 16 ёшгача ва ундан катталар. 19.10 Қайта куриш: муаммолар ва ечимлар. Иқтисодиёт ва экология. 20.10 В. Третьяков раҳбарлигидаги ССЖИ Давлат камер оркестри чалади. 20.20 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 21.30 «Время». «Юлейсрадио» (Финляндия) компанияси МТ экранда. 22.00 Никобни очиб қара.

Уч серияли телевизион бадий фильм. Премьера. 3-серия. 22.40 Муаллифлик телевизионеси. Телескоп. 00.10 ТЯХ. 00.25 Танишиб олайлик. Парнас сари бир босқич. Халқаро телевизион фестивал. 3-тур. 01.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

♦ МТ 11

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари. 9.15 Табиат сирлари. Илмий-оммабон альманах. 9.35, 10.35 Табиатунослик. 5-синф. Об-ҳаво ва уни олдиндан билиш. 9.55, 10.55 Увертюра. Илмий-оммабон фильм. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Биология. 8-синф. Амфибиялар. Улар қимматли. 12.05 Рус тили. 13.05 Кўк қутон. Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 Ритмик гимнастика. 13.45 Одамлар менга кўшқ ҳади этишди. Телевизион ҳужжатли фильм. 14.15 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. Дала ҳовли воқеалари. 3-серия. Майдаги совуқ кунлар. 17.25 Лепольд ва олтин баллича. Мушук Леопольднинг қасоси. Мультифильмлар. 17.55 Рақсга бахшда умр. ССЖИ халқ артисти Н. Бесмертнова иштирокида фильм-концерт. 19.00 «Время». 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Бу ғаройиб шведлар. Швециянинг Вестерос шаҳри спорт ҳаёти ҳақида. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 Коллаж. 20.50 Турначалар. Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 Пиллапоа бўйлаб юқорига. Телефильм. 21.25 Кўҳна вулкон этакларида. Телевизион ҳужжатли фильм. Уралнинг гўзал ва манзарали олами ҳақида. 21.40 П. И. Чайковский номи Москва давлат консерваторияси студентлари хорининг концерти. 22.00 Юлдуз юлдузига тўғри келмади. Телевизион бадий фильм. 23.20 Биз қамални ёриб чиққанмиз. Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

## Жума

7 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ 1

11.30 Зоология. Сув ва қуруқликда яшовчилар. 12.00 «Тезликинг тизгинланishi». «Ерданчилар мактаби». Телефильмлар. 12.30 Биология. Хужайрада модда ва уларнинг аллашуви. 13.00 Революция ваколати билан. Бадий фильм. 3-серия. 18.05 Янгилликлар. 18.10 «Ўзбекистон санатои: моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланайлик». 18.40 «Кўшиқ айтиш — орузи» Ю. Юсупов, И. Қирғизов. 19.30 Ахборот (рус тилида). 19.45 Ўзбекистон ССЖИ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.00 Тижорат хабарлари. 20.10 Илмий мулоқотлар. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дилрабо концерт. 21.30 «Время». 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 Индинги кун жадвали. Бадий фильм.

♦ УЗТВ 11

19.05 Бу оқшомда. 20.00 Пулс. Информацион кўрсатув. 20.10 Бу оқшомда кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 «Время». 22.00 «Ранда». Танқидий тележурнал. 22.40 Ғаройиб воқеа. Бадий фильм.

♦ МТ 1

7.00 «120 минут». 9.00 Омега варианты. Беш серияли телевизион бадий фильм. 5-серия. 10.10 «Сўз». Адабий-бадий программа. 12.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 «Время». 13.40 «Дам» мўғул

байрам. 14.10 Л. Тимофеева чалади. (фортепьяно). 16.00 Малиновка ва айик. Мультифильм. 16.15 «Гюмриец» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1988 йили эзилла фокжисини бошидан кечирган Ленинкан шаҳрининг аҳолиси ҳақида. 16.40 Яшил чироқ. 17.15 ССЖИ Давлат телерадиосининг рус халқ ҷолғулари академик оркестрининг концерти. 18.00 «ТелеЭКО» журнали. 18.30 «Ферскотти» группаси билан учрашу. (Финляндия). 19.00 «Время». 19.30 Нодипломатик суҳбатлар. 19.55 «Рақослар». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.25 «ВИД» таништиради: 500 программаси. Мўйизлар майдонин капитал томошалари. 21.25 Коллаж. 21.30 «Время». 22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотлари-га кўра. 22.15 «Бу бўлган... бўлганди...» 22.35 «ВИД» таништиради: «Халқ билан юзмаюз», «Взгляд», «Веди», «Эм ти ви». 01.35 ТСН.

♦ МТ 11

9.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.

УҚУВ ПРОГРАММАСИ

9.15 «Табиат сирлари». Илмий-оммабон альманах. 9.35 10.35 Теварак атроф билан танишиш. 1-синф. Мактаб ва менинги ўртоқларим. 9.55, 10.00 «Тунги Эрмитаж». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.05 Инглиз тили. 1-йил шугулланганлар учун. 11.05 Инглиз тили. 2-йил шугулланганлар учун. 11.35, 12.35 Жўғрофия. 6-синф. Тоғлар ва текисликлар. 12.05 «Онам, дадам ва мена». 13.05 Краснодар шаҳар ёшлар фольклор ансамблининг чиқиши. 13.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.20 Концерт. 14.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Дала ҳовли воқеалари». 4-серия. «Дам олиш кунларидаги ташрифлар». 17.25 Спорт ҳамма учун. 17.40 Союзлар уйининг Колонна залида Лндия Русланова хотира кечаси. 18.55 Коллаж. 19.00 «Время». 19.30 Яхудий мусиқа ва кўшиқлари фестивали. 20.20 Долзарб интервью. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Степанинг чўртан балиги». 20.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Ложкин тиллаларини қарерга яширади». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Найронлар ороли». Телефильм. 21.25 Эстрада рақсларининг замонавий йўналиши — СТЭП ва унинг тарихи ҳақида фильм-концерт. («Экран»). 22.00 «Келгинди». Бадий фильм. («Мосфильм»). 23.25 Марран анж олиш. Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

## Шанба

8 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ 1

8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 9.00 «Барбод бўлган экспедиция». Бадий фильм. 1-серия. 10.10 Ўзбекистон композиторлари уюшмасининг IV Пленуми. 10.50 Шахсий ёрдамчи ҳужайналарга кенг йўл. 11.30 У. Умарбеков. «Киемат. қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 13.05 Мураббий ўғитлари. 13.35 «Дехқон ва замин». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Дилли ва Даллининг саргузаштлари». Мультифильм. 18.15 Ускирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Ўзбек классик куйлардан концерт. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.30 «Ҳафтаномалар». 21.30 «Время». 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 «Беором кун». Бадий фильм.

(«Мосфильм»). 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

♦ УЗТВ 11

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Саату калом». Адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 А. Чхандзе «Авлодлар». Телевизион спектакль. 2-қисм. 10.55 Шарқона яккама-якка кураш турлари. Нинза. 11.25 Кинопрограма. 18.05 Мутлақо сир эмас. 18.45 «Муми-долга куз келди». Мультифильм. 19.00 «Новости». 19.20 Кинолаҳза. 19.30 «Дар меҳмони панзоби». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Гулчич» концерт. 21.30 «Время». 22.00 Б. Кимёгаров фильмлари. Рустам ҳақида дoston.

♦ МТ 1

7.00 «120 минут». 9.05 «Онам, дадам ва мена». 8 ойдан 9 ойгача бўлган гўдакларнинг ривожланиши ва уларни тарбиялаш. 9.35 Умринг боқий бўлсин. Ер! Экологик программа. 10.35 «Партнер». Тижорат хабарлари. 11.05 «Пил» белгиси билан. Илмий-оммабон программа саҳифаларида. 12.05 «Бурда Моден» таклиф эстади. 12.35 Режиссёр И. Селезнева фильмлари. «Ана шунақа гаплар». 14.15 «XX аср: ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. Бадий-публицистик фильм премьераси. 1-серия. 15.25 «Пласидо Доминго билан бир оқшом». Мусиқий фильм. (Англия) «Спейн Пикчёр телекомпаниясининг махсулоти». 16.20 «Болаккай ва шула». Мультифильм. 16.30 Баянчи-аккордеончилари I халқаро танловининг очилиши. 18.00 Халқаро панорама. 18.45 «Бечора Гусар ҳақида бир оғиз сўз айтиб кўйинг». Телевизион бадий фильм. 1-серия. 20.00 ССЖИ ҳукуматида. 20.10 «Бечора Гусар ҳақида бир оғиз сўз айтиб кўйинг». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Телевизион ҳужжатли фильм. 22.25 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.40 «Панда». Илмий-оммабон фильм премьераси. «Фнат» энгил автомобиллар фирмасининг янги модели ҳақида. 23.05 «Парнас сари бир босқич». Халқаро телевизион фестивал. 3-тур. 01.20 ТСН.

♦ МТ 11

8.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 8.45 «Довюрк Робин Гуд». Мультифильм. 9.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Янги келин-кўевлар учун реактор». Ҳужжатли фильм премьераси. 9.20 «Оддий даҳшат». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.20 Рус тили. 11.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кимга қон керак!» Донолик ҳақида. (Свердловск). 18.50 Элизабетни кутиб. Телевизион бадий фильм премьераси. 20.00 «Майдона». 21.00 Ф. Лист. Венгерча 6-рапсодия. Халқаро конкурс совриндори В. Бакк ижро эстади. (фортепьяно). 21.15 «Венециядаги карнавал». Телефильм. 21.30 «Время». (Сурдо таржимаси билан). 22.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 22.30, 23.30 Композитор А. Морозов ижодий кечаси. 23.45 Коллаж. Тунги сеанс. 01.15 «Кино, севги ва фантазия». Киноконцерт. 02.10 «Грузиятефильм»нинг қисқа метражли телевизион бадий фильмлари: «Урта девор», «Салом, қўшин».

## Якшанба

9 ДЕКАБРЬ

♦ УЗТВ 1

8.00 «Ҳафтаномалар». (такрор). 9.00 «Барбод бўлган экспедиция». Бадий фильм. 2-серия. 10.00 «Саҳна табассуми». 10.45 «Ғаройиб уйча». Мультифильм. 11.00 Эски Жува гаврошлари.

И. Охунбобоев номидаги жумҳурият ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.20 «Алифбо сабоқлари» (такрор). 12.50 «Саломат бўлинг!»

ТИЖОРАТ КЎРСАТУВЛАРИ

13.35 Йўловчилар манфаватини кўзлаб. 13.45 «Сифатли тола учун». 14.15 «Андижоннинг мева-сабзавот конвейери. 18.05 «Ўрмон эртаклири». Мультифильм. 18.15 Болалар учун «Кичкинтой» программаси. 18.45 «Оламга савҳати. Кино-кўрсатув. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Тановар» ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Якшанба оқшоминда». Мусиқий кўрсатув. 21.30 «Время». 22.00 «Ўғри сўзининг тўқмоғи». Бадий фильм.

♦ УЗТВ 11

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сепеда». Мусиқий-ахборот. 10.05 «Хар бир кишига ва барчага. Рекламалар. 10.15 «Рақсда шевр хонели». Болалар учун кўрсатув. 10.45 «Мазрифат». Адабий кўрсатув. 20.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 20.30 Концерт. 21.30 «Время». 22.00 Фарход Даре кўшиқлари. (Афғонистон). 23.20 «Телетомошабин ҳамроҳи».

♦ МТ 1

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта сахарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 Ватан хизматиди. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 13.00 «Здоровье». 13.45 «XX аср: ташвишли давр хроникаси». Кино-программа. Бадий публицистик фильм премьераси. 2-серия. 15.15 Қишлоқ янгилликлари. 16.15 Педагогика ҳамма учун. 17.15 Мультифильмлар. «Акаро». «Ох, малика». 17.45 «Янги авлод ўз тенлайди». «Юниор-банк» ёш банкирлар мусобақаси. 19.00 «Альфред Нобелининг йигирманчи асри». 20.00 «Шантаж». Беш серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. (Италия). 21.30 «Время». 22.00 «Оддий ва мангулик ҳақида». 22.15 П. И. Чайковскийнинг юзта романи. 22.35 «Малпет-шоу». Кўп серияли телевизион кўйиричок фильм-концерт премьераси. 19 ва 20-сериялар. 23.25 «Нима? Қачон? Қерда?». 00.25 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида.

♦ МТ 11

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Ғаройиб матч». Мультифильм. 9.05 «Биз яшаётган олам». Кинодраматург Б. Добродеев фильмлари. «Горкийнинг дўсти Андреева». 10.05 «Қияликда». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. («Тожикифильм»). 14.15 Ўзбекистон телевиденисининг «Дўстлик» видеоканали. 16.45 «Ўзи ва у». Телевизион спектакль премьераси. 18.45 «Планета» Халқаро программа. 19.40 «Россия газели» фестивали. Эстрада томошалари программаси. 20.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздаччи...» 21.00 Коллаж. 21.05 «Она замин ташвишида». «Дарёни менга беринг». Ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Время». (Сурдо таржимаси билан). 22.00 «Тўтиб олса қўймайди». Телевизион бадий фильм премьераси. (Югославия). 23.10 Бадий гимнастика. Халқаро мусобақалар. Хорьковдан кўрсатилади.



# АСРНИНГ ЎЛАТКАСАЛИ

Бугун—СПИДга қарши кураш халқаро кун

СПИД — ўзбекчада одамдаги табиий иммунитет йўқолиб кетиши натижасида, касалликка қарши мутлақо кураша олмай охири ҳалокатга учраш деган маънони билдиради. У ҳозир жаҳонда жуда тезлик билан тарқалаётган дарддир. Дунё бўйича СПИДга чалинганлар сони 5 миллиондан ошиб кетди. Биргина АҚШда бу касалликдан ҳозирга қадар 50 мингдан кўп одам ўлди, 1991 йилга келиб у 150 дан ошқ. Америкаликларнинг ёстигини қуритиши кутилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай касалликка чалинганлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳаммадан ҳам келгусида СПИД кўпайиши мумкин деган тахминлар айниқса хавотирлидир. Хусусан, ҳозирги тарқалишда 2 мингичи йилга бориб СССРда бундай дард билан оғриганлар сони 55 мингга кўпаяди.

Шуни айтиш керакки, ҳали СПИДга қарши бирон бир самарали дори йўқ. Шифокорлар фақат унинг олдини олиш билан шуғулланиб ётибдилар, холос. Жумҳуриятимизда ҳам СПИДга қарши курашиш бўйича ташкилотлар бор. Ўзбекистонда 1987 йилдан бери 17 кишида бундай дард кўзголиши мумкинлиги ҳисобга олинган. Шундан тўрт киши совет фуқаролари, 13 таси чет эл фуқароларидир. (Чет эл фуқаролари СССРдан чиқариб юборилган). Бошқа хасталар билан тадбирлиқ чоралар олиб боришмоқда.

1990 йилда жумҳуриятимизда 351 кишида ВИЧ инфекцияси топилган ва улар назоратга олинган. Ҳозиргача

шулардан беш кишида СПИД бoрлиги аниқланган.

Биз илгари ёритган қатор мақола-ларда ҳам СПИД жинсий алоқалар орқали ҳамда бир марта қўлланиладиган шприцдан фойдаланмаслик, ёки ундан қайта-қайта фойдаланиш туфайли юқади, деб қайта-қайта ёзганмиз. Ҳамой касаллигининг хусусиятлари шундай. Баъзан эса вирус касал онанинг қонидан ҳомилага ўтиши мумкин. Аммо шуни айтиш керакки, СПИД бошқа юқумли дардларга ўхшаб умумий овқатланиш идишлари, йўталиш, аксиритиш, ўпишиш туфайли ўтмас экан. Касаллик зиндан бошланади. Ойлар ҳамда йилларгача давом этадиган «яширин» даврдан кейин ривож топади. Унинг энг кўп учрайдиган белгилари узоқ вақтгача иситмалаш, зотилжамлик, ич кетиши, лимфа тугунларининг жуда катталашидир.

Тери ва ички органлар саркомаси ҳам касаллик белгиси ҳисобланади. Баъзан дард шунчалик секин ривожланади-ки, бир неча йиллар давомида унинг ягона белгиси фақат бир-иккита лимфа тугунларининг катталашувидан иборат бўлиши мумкин. Қаттиқ ёзиб кетиш, мажолсизлик ҳамда марказий асаб толлариининг заифлашуви ҳам ана шу дарддан дерак беради. Бу ҳолларнинг кўпчилиги беморни ўлимга олиб келади.

Дарднинг олдини олиш бўйича 1987—1995 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тадбирларнинг бутун бир йиғиндиси: касаллиқни аниқлаш, даволаш, олдини олиш, соғлом

турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари бўйича кенг режалар белгилаб олинган. СПИД вирусини юққанлигини аниқлашга доир махсус қондалар тўплами нашр этилган. Бу қондаларга кўра чет элда бир ойдан кўп муддатда бўладиган совет фуқаролари, СССРда истиқомат қиладиган хорижийлар, қон топирувчилар, хавф соладиган гуруҳдаги шахслар — фоҳишалар, гиеҳқандлар текширувдан ўтказилиши шарт.

Инсон СПИДдан сақланиши учун аввало ахлоқий пок бўлиш керак. Бегоналар билан тасодифий жинсий алоқалар бу дардга ётақлайдиган хавфли йўллар. Шу билан бирга на-шавандлар, фоҳишалар билан бўладиган алоқалар ҳам СПИДнинг юқи-шида ўзига хос «қўлайлиқ» ҳисобланади.

Биз турли хасталикларга чалинган беморларга ҳеч қачон тасодифий доринилардан фойдаланмаслигини маслаҳат берамиз. Шу билан бир-галликда, кимки ўзиде шубҳали касаллик белгиларини сезса, зудлик билан врачга мурожаат қилиши зарур. Керак бўлган ҳолларда масла-ҳотлар олиш учун СПИДга қарши курашиш ва дарднинг олдини олиш бўйича жумҳурият марказига муро-жаат қилиш мумкин. У пойтахтимиз-нинг Киров кўчаси 4-уйда жойлаш-ган. Телефон 33-48-78. Тошкент шаҳ-ри бўйича бундай марказ Парк кў-часининг 2-уйида ҳам ишлаб туриб-ди. Телефон 67-42-04.

А. ТОШМУХАМЕДОВ,  
Ш. БЕКМИРЗАЕВ.

Рассом Иброҳим ҚОСИМОВ

Ижоддан намуналар



— Армия бу ҳаёт мактаби, лекин сен уни сиртдан ўтайсан.



— Ҳаётдан нодигани уялмай-сизми, бизга уруш ногиронлари йиллаб қатнашади...

Овқатингиз камроққа ўхшай-дими, ака? Бу ер сента аштега эмас.



— Қани кўрамиз биринчи жанговар топириқни қандай бажарар экансан...

## Янги кўргазмалар

### ЧИЗГИЛАРДАГИ ДАРДЛАРИМИЗ

Қизил Ярим Ой жамияти жумҳурият кўмитаси кейинги пайтларда бир қатор яхши тадбирлар ўтказмоқда. Тошкент Давлат санъат институтида очилган жумҳурият плакатлар кўргазмаси ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда намоиш қилинаётган асарлар меҳр-шафқат, экология, табиат муҳофазаси, СПИДга қарши кураш, Орол муаммоси ва бошқа кўплаб долзарб мавзуларни қамраб олган.

Кўргазмада Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ва Тош-


кент шаҳрида яшаб, ижод қилаётган бир қатор ёш рассомлар ўз асарларини намоиш этмоқдалар. Уларнинг жами элликдан ошқ. Ишлари томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинган.

Намоиш этилаётган асарларга қараб инсоният табияти нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлаётгани ҳақида чуқур ўйланиб қоламиз. Баъзи шифобахш гуллар ва ўсимликлар қай тарзда йўқ бўлиб кетаётгани ёрқин бўёқларда, маҳорат билан чизиб берилган. Орол денгизининг ҳалокати ҳам ўз-

га хос ифодалар билан акс эттириб берилган. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши туфайли болалар ўлимнинг кўпайиб бораётгани ҳам мусаввирлар эътиборидан четда қолмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Хуллас, бутунги кунда бизни ташвишлантираётган барча дардлар мазкур плакатлардаги чизгиларда ўз ифодасини топган десак муболага бўлмас.

Кўргазмада рассомлар ишига баҳо берувчи ҳакамлар ҳайъати Қ. Матмуродовнинг «SOS» асарини энг яхши плакат деб баҳолаб, уни биринчи ўринга муносиб деб топди. Иккинчи ўринни П. Юнусов («Орол») ва Р. Исмаилов («Оролга ёрдам») эгалладилар. О. Исмаилов («Қизил яримой»), ва А. Мягков («Шафқат қил!») учинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Ҳолилар пул мукофотлари билан тақдирландилар.

У. ҲИҚМАТОВ.



● Суратларда: плакат санъати мухлислари ёш рассомларнинг кўргазмага қўйилган янги асарлари билан танишмоқдалар;  
● Иккинчи жукофотга сазовор бўлган «Орол» плакати (ўнгда, юқорида).  
Суратлаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

## Эълонлар бурчаги

### «ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОИДА

Тошкент шаҳридаги кўшиник аҳолининг илтимосига кўра  
10, 11, 12, 13, 15, 16 ДЕКАБРДА  
Тошкентда биринчи марта  
Шаҳр тиббиёти марказининг психотерапевти  
Қодиржон ҚОРИЕВ  
(Наманган шаҳри)

### ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

СЕАНСЛАР 10, 11, 12, 13 ДЕКАБРДА СОАТ 18.00  
ДА, 15, 16 ДЕКАБРДА СОАТ 16.00 ДА БОШЛАНАДИ.

Патталар «Юбилейний» спорт саройи кассаларида ва вакиллар томонидан сотилмоқда.

Касса соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12,  
46-70-31.